

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI




QARSHI MUHANDISLIK – IQTISODIYOT
INSTITUTI

Texnologiya fakulteti 5410500 – “Qishloq xo'jalik mahsulotlarini saqlash va
dastlabki ishlash texnologiyasi” ta'lim yo'nalishi IV-kurs talabasi
RO'ZIYEVA DILOBAR XOLIYOR QIZI ning

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**Mavzu: Sharobbop uzum navlari hosilidan ko'piradigan sharob
tayyorlash texnologiyasi**

Ilmiy rahbar:


(imzo)

Ro'ziyev T.


Bitiruvchi:


(imzo)

Ro'ziyeva D.

“Himoyaga ruxsat etildi”

Kafedra mudiri:


dots. A.A. Abdiyev
“ 01 ” 06 2016 y.

“Himoya uchun DAKga yuborildi”

Fakultet dekani:


dots. A.X. Berdiyev
“ 09 ” 11 2016 y.

Qarshi – 2016 yil.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

5410500 – “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси” таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“КХМС ва ДИТ” кафедраси

мудир А.А.Абдиев қ.х.ф.н. А.Абдиев

« 25 » 01 2015 йил.

Битирув малакавий иши бўйича ТОПШИРИҚ

Талаба Розуева Дилона

1. Битирув иши мавзуси Шаробдор ичим навлари ҳосил-
дан келадиган шароб таъйиноти ва таъ-
рифи

Институтнинг № 246 буйруғи билан 25.01.2015 й да тасдиқланган.

2. Талабанинг тугатган битирув ишини топшириш муддати
25.05.16 й

3. Битирув иши учун маълумотлар

Шаробдор ичим навлари
ҳосилдан келадиган шароб таъйиноти
ва таърифи

4. Хисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати)

Ҳисобий изох қисмининг мазмуни, Технологик
рўйхати, таърифи ва таърифи, таърифи ва таърифи
ва таърифи, таърифи ва таърифи, таърифи ва таърифи

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар)


14-жаҳон 4 та тарих

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар (уларга тегишли лойиха бўлимидан кўрсатилсин)

7. Малакавий битирув иши бажарилиши бўйича календар график.

Хафталар сони	Малакавий битирув ишининг бўлимлари	Ҳажми бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изо
1.	Kirish.	9	7,8	Bajardir	
2.	Umumiy qism	21	21,6	Bajardir	
3.	Texnologik qism	58.	59,7	Bajardir	
4.	qonuniy qism	7.	7,11	Bajardir	
5.	Aloq mahrd mikro-fotost.	2.	1,03	Bajardir	
6.	Elektron mikrofoto-st.	1.	1,1	Bajardir	
7.	Kulero da takliflar	2.	1,3	Bajardir	
8.	So'lab-yozilgan to'g'ri-ti	2	1,3	Bajardir	
	Jami	103.	100%.	Bajardir	

Малакавий битирув иши раҳбари
Маслаҳатчи:
Топшириқ олинган кун
Талаба

Ruzmet T. 
25.01.2016
Rajiyeva Dilobar 

MUNDARIJA.

	KIRISH.....	3.
I.	UMUMIY QISM.....	11.
1.1.	Vino maxsulotlarini tayyorlash uchun ishlatiladigan xom ashyolar va ularning tavsifi	11.
1.2.	Uzumning sharobbop navlarining kimyoviy tarkibi	31.
1.3.	Vino mahsulotlarining inson organizmi uchun ahamiyati.....	25.
1.4.	Vinolarning guruhlanishi.....	26.
II.	TEHNOLOGIK QISM.....	32.
2.1.	Yarim tayyor vino maxsulotlarini tayyorlash texnologiyasi.....	32.
2.2.	Shampanlashtirish usuli texnologiyasi.....	34.
2.3.	Yarim tayyor vino tayyorlashni nazorat qilish	52.
2.4.	Turli usulda shampanlanganda achitqi zamburug'larning faoliyati.....	62.
2.5.	Muskatli mahsulotlarning organoliptik kursatkichlari.....	44.
2.6.	Vijillama gazlangan vinolar ishlab chiqarish texnologiyasi	75.
2.7.	Shampan vinosini tayyorlash usullari va texnologiyasi	78.
III.	IQTISODIY QISM.....	80.
IV.	ATROF MUHIT MUHOFAZASI.....	87.
V.	MEHNAT MUHOFAZASI.....	99.
	XULOSA VA TAKLIFLAR	100.
	ADABIYOTLAR RO'YHATI.....	102.

Кириш

Ҳозирги қишлоқ ҳўжалигида ўтказилаётган изчил иқтисодий ислохотлар аҳолини сифатли озиқ овқат маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондирилиши ва шу билан бир пайтда бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири бўлган озиқ-овқат хавфсизлигини олдин олиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда мева ва сабзавотларни етиштириш уларни сақлаш ва ўз вақтида қайта ишлаш мақсадида бир қатор қонунлар ва фармонлар қабул қилинмоқда. Бунга 2008-йил октябр ойидаги “Пахта экин далаларини қисқартирилиши билан мева-помидор ва узумни ривожлантиришга” қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг Қарори республикада ҳар йили аҳоли сонини ўсиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда уларни ўз вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таминлаш кўзда тутилган. Шу боис етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини йиғиб олиш маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашни тўғри ташкил этиб, янги замонавий омборхоналарни ва қайта ишлаш корхоналари бунёд этилиши қолаверса бу корхоналардаги фан-техника ва илғор технологияларни тадбиқ этиш. Хорижий тажриба ютуқларини ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Халқаро қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти муаммоларига қараганда жаҳон бўйича маҳсулотларнинг исроф булиши 6-10 % дан ошмайди. Бизда бу курсаткич 15-20%ни ташкил этади. Бу курсаткични йилига 1-2% га камайтириш мумкин. Республикада қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун самарадорлигини ошириш янги маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда уларни сақлаш ва маҳаллий шароитда қайта ишланишига катта эътибор бермоқда. Янги боғ ва узумзорлар барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиб ўтмоқчиман. 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар жумладан 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар 23 минг гектарда узумзорлар барпо етилди. Интенсив боғлар ташкил этиш учун Польша, Сербия ва бошқа мамлакатлардан 6 миллиондан зиёд кўчат олиб келинди. бундай боғларни афзалликларга эга эканини бугунги кунда амалда муайян бўлмоқда. Мисол учун оддий мевали дарахт экилгандан бошлаб дастлабки ҳосилини бергунга қадар 4-5 йил ўтади. Интенсив боғдорчиликда эса дарахт иккинчи-учинчи йилдаёқ ҳосилга киради. 2011-йилда яратилган боғларнинг ҳар гектаридан 2014-йилнинг ўзидаёқ ўртача 300 сентнердан ортиқ ҳосил олингани ва ҳосилдорлик йил сайин кўпайиб бораётгани буни тасдиқлайди. Республикада мустақилликка эришгандан сўнг халқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи қишлоқ ҳўжалигига тубдан катта эътибор берилиб ривожлана бошлади. Бунга мисол қилиб узумчилик соҳасини кўрсатса бўлади. Ўтган йиллар ичида узумчилик саноатига назар солсак ишлаб чиқарилаётган нордон шароблар ва бошқа шароб турлари билан бир қаторда кўргазма ва ярмаркаларда салмоқли ўринни эгаллади. Ҳозирги вақтга келиб шаробчилик саноати ҳам бозор иқтисодиётида рақобатни келтириб чиқормоқда. Бунинг самараси эса шаробчилик соҳасида кўпроқ изланишларни талаб қилади. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу

саноатнинг ҳар бир тармоғида замон талабларига жавобан янги техника ва технологияга эга бўлган корхоналар очилмоқда. Бу корхоналарда чет ел ускуналаридан машина ва аппаратлардан фойдаланилади. Узумчилик ерлари буйича Ўзбекистон мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида 6-ўринни эгаллади, мазаси ва шакари буйича эса 1-лар қаторида. Узум кўчатларини экиш, экилиши кўпайиши билан бир қаторда паст сифатли, кам мева берадиган узум навлари реконструкция қилиниб уларнинг ўрнига қимматли ва кам ҳосилдорлиги юқори бўлган узум навлари экилган.

Ўзбекистонда бугунги катта кичик 70-дан ортиқ замонавий жиҳозланган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ажойиб шароб навларини ва сифатли эканини гапиришга ҳожати бўлмаган коньяк ишлаб чиқараётган юқори малакали мутахассислар ишламоқда. Бирламчи шароб ишлаб чиқариш корхоналарида узумни узвий қайта ишловчи линиялар иккиламчи корхоналарда эса тайёр маҳсулотни қадоқлашнинг замонавий линияларидан фойдаланилади.

Мамлакатимизда узумчилик ва шаробчилик саноати миллий иқтисодийетимизнинг жуда салмоқли тармоқларидан бири ҳисобланади. Шароб нафақат алкаголли маҳсулот балки озиқ-овқат ва таъм берувчи ҳушбўй маҳсулотдир.

Ишнинг долзарблиги. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг чоралари” китобида. Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу 2008- йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат” деб таъкидланади.

Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009- йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан озиқ-овқат саноатида турли соҳаларида ривожлантириш ва рақобатни маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Шунингдек турли туман қишлоқ хужалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга этибор кучайди. Шаробчиликда асосий ҳом ашё бўлиб техник ва хўраки нав узумлар ҳисобланади. Рислинг ҳамда Баян ширей узумлари ярим тайёр шароб маҳсулотлари купаждан тайёрланадиган маркали оқ хўраки “асилот” шароби халқаро таъм кўриш кўрикларининг бир неча маротаба совриндори бўлган. Бизнинг мамлакатимизда сояки, бихиштир узум навларидан юқори сифатли хўраки шароблар тайёрланади. Ўйноқи мускат тайёрлаш учун виночилик мавсумида мускат узумидан миселла тайёрланади.

Ҳозирги пайтда миселлий тайёрлаш учун мускат узум мезгаси бироз бижғитиб сўнгра спиртланади. Бундай қилгандан узум пўстлоғи хужайралари яхши ажралмайди ва эфирли моддалар муҳитда етарлича чиқмайди шампан виносининг ачитқи замбуруғларининг ҳаёт фаолиятига боғлиқ экан. Бижғиш жараёнининг қайси усул билан олиб бориш ҳарорат ва босим параметрларини қайта сақлаш лозимлигини ўрганишдир. Шампан виносини тайёрлаш технологиясини ўрганган ҳолда шишада шампанлаштириш бошлаб катта катта идишларда узлуксиз батареяларда ва ниҳоят ачитқи замбуруғларини юқори концентратсияда шампанлаштириш усуллари қиёслаб таққослаб моҳиятини очиб бориш каби долзарб масалага бағишланган. Мускатли шампан виноси

ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш классик технологиясидан бошлаб ҳозирги замон энг илғор технологияларини қўлланилади. Яхши ва сифатли шампан виноси олиш учун шампан виноси ишлаб чиқариш тўғрисидаги бажарилган илмий ва амалий ишлар ўрганилиб чиқилади ва ўрганилган адабиётлар шархланади. Классик усулда шампанлашда ачитқи замбуруғларининг ҳаёт фаолияти ўрганилади. Узлуксиз шампанлаштириш усулида ачитқи замбуруғларнинг ҳаёт фаолияти ўрганилади. Ачитқи замбуруғларнинг ўта юқори концентратсиясида шампанлаштириш усулида микроорганизмлар ҳаёт фаолиятининг ўзгариши ҳамда кечадиган биокимёвий жараён содир бўлади ва таққосланади.

I. УМУМИЙ ҚИСМ.

1. 1. Вино маҳсулотларини тайёрлаш учун ишлатиладиган ҳом ашёлар ва уларни тавсифи.

Винобоп – навларнинг узум бошоғи катта бўлмайди, ғужумлари турли шаклда ва рангда бўлади. Узумнинг кишмиш навларига қараганда уларнинг ширинлиги яъни қандлилиги камроқ бўлади. бундай навлардан мусаллас, шампан кучли дисертли винолар тайёрланади. Ўзбекистонда этиштириладиган ва кенг тарқалган винобоп узум навлари

Алеатико - Италиядан келтирилиб Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида мослаштирилган ўрта пишар винобоп узум нави узум бошоғининг бош қисми конуссимон тубли цилиндршох шаклида бўлиб ўртача катталиққа эга. Мевалари думалоқсимон кўк, қизғиш туслидир. Унинг мағзи мускат ҳидли ширин мазалидир. Бундай узум навининг 1000кг дан 750 л шакрбат олинади ушбу навли узум бошоғининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагичадир: оғирлиги 202 гр донлари сони 96 та синчалари 4.5 % уруги 2.2% шарбат миқдори 84.1% узумнинг бу нави сентябр ойининг ўрталарида пишади таркибидаги қанд миқдори 25-29%гача кислоталиги 4-7 гр/ литр гача бўлади. Бундай узумдан юқори сифатли десерт типдаги винолар тайёрланади.

Алиготе—Франциядан келтирилиб Ўзбекистонга ўстиришга мослаштирилган бўлиб ўрта пишар винобоп узум нави ҳисобланади. Узум бошоғи ўрта ҳолатда мевалари тигиз йирик шаклда оқ кўкиш тусли жигарранг доғлари мавжуд. Бундай узум навининг 1000кг дан 75 далл шарбат олинади. Ушбу узум навли бошоғининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича : оғирлиги 146 гр доналар сони 93 та синчалари 4.4% уруги 3.3% пўсти 4.5% шарбат миқдори 87. 8%. узумнинг бу нави август ойининг охирларида пишади қанд миқдори 19.2- 25.0% кислоталиги 6.2-8.1 гр/ литргача бўлади. Узум ҳосилидан соф ва шампан винолари шунингдек каняк учун спирт тайёрланади.

Бахтиёрий жайдори узум нави. Узум бошоғи силендр, конуссимон шаклда бўлади. Мевалар ўртача тухум шаклда бўлиб сарғиш яшил тусли, мағизли ва ширин шарбатлидир пўстлари юпқа қалинликда бўлади ушбу узум нави узум бошоғининг оғирлиги 510 гр синчалари 3.0% пўстлоғи 2.8% уруги 0.6% узумнинг бу нави сентябр ойининг бошларида етилади қанд миқдори 18% кистолалиги 5-6 гр/литрни ташкил этади. Узум ҳосилидан мусаллас шампан ва каняк тайёрлаш учун вино материали олинади.

Буваки жайдари винобоп узум нави узум бошоғи катта узунроқ конуссимон бўлади мевалари ўртача думалоқ ҳолатда оч яшил ва сарғиш туслидир, мағзи ширин мазали пўстлоғи қалиндир. Ушбу навли узум бошоғининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича оғирлиги 247 гр синчалари 4.0% пўстлоғи 3.5 % шарбат миқдори 89.0 % ни ташкил қилади. Узумнинг бу нави

сентябр ойининг бошларида етиштирилади. , таркибида 22-24% гача қанд ва 4.0-5.5 г\л миқдорда кислота бўлади. Узумдан буваки деб деб номланган десерт виноси тайёрланади.

Бишти –жайдари истеъмол ва винобоп узум нави. Узум бошоғи ўртача ҳолатда силендр конуссимон шаклда бўлиб доналари тиғиз жойлашган. Мевалари ўртача думалоқ шаклда яшил сарғиш туслидир, пўстлоғи юпқа; бундай узум навининг 1000 кг 75 дкл шарбат олинади. Ушбу навли узум катта бошоғининг ўртача кўрсаткичлари қуйидагича: оғирлиги 350г синчалари 2.6 % уруғи 3.6 % пўсти ва мағзи 7.6 % узумнинг бу нави сентябр ойининг охирларида етиштирилади. Таркибида 19-21.3 % гача қанд ва 5.7 – 7.0 гр\л кислота бўлади. Узум ҳосилидан портвен модера десерт типигади винолар тайёрланади.

Баян ширен – Озорбайжондан келтирилган. Ўзбекистонда ўстиришга мослаштирилган кечпишар узум нави. Узум бошоғи цилиндр – конуссимон шаклда бўлиб, доналари ўртача ҳолатда тиғиз жойлашган. Мевалари думалоқ шаклда яшил сариқ тусли усти мум билан қопланган, пўстида майда туклари мавжуд. Ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйидагича оғирлиги 243,4г синчалари 1.2 % уруғи 4.1% пўстлоғи 8.9% , шарбат миқдори 85.8% қанд миқдори 25% гача. Узумдан шампан виноси ва кучли мусаллас тайёрланади. Шунингдек унинг мусалласи каняк тайёрлаш учун вино материал сифатида ишлатилади.

Каберне Сарибан Франциядан келтирилган, Ўзбекистонда ўстирилган винобоп ўрта пишар узум нави ҳисобланади. Узум бошоғи ўртача катталиқда бўлиб навлари думалоқ шаклда қора, кўк тусли бўлади пўстлоғи эса дағал ва қалин ҳолаттадир. Ушбу узум навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйидагича: оғирлиги 125 г синчалари 2.4 % уруғи 4.4 % пўсти 5.5 % шарбат миқдори 87.9%. Узумнинг бу нави сентябр ойининг охирларида етилади, таркиби 24.2–24.6 қанд ва 7-8 % миқдорда кислота бўлади.

Узум ҳосилидан юқори сифатли маркали Фарход виноси, каферне ликери, виноси ва қизил рангли шампан виноси учун вино материал тайёрланади.

Кунженский Хитойдан келтирилиб Ўзбекистонда ўстирилган винобоп урта пишар узум нави ҳисобланади. Узум бошоғи ўртача конуссимон шаклда бўлиб, доналари тиғиз жойлаштирилгандир узум ғужуми думалоқ шаклда сарғиш қирмизи туслидир. Пўстлоғи эса юпқа лекин мустаҳкамдир. Ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйидагича : оғирлиги 654г синчалари 2.9 % уруғи 2.5 % пўстлоғи ва мағзининг қалин қисми 3.1 % шарбат миқдори 91.5 %. Узумнинг бу нави август ойининг ўрталарида етилади, таркибида 18-20 % қанд ва 9.3–11 г\л миқдорда кислота бўлади. Узум ҳосилидан мусаллас ва шампан виноси учун материал олинади.

Маростел – Испаниядан келтирилиб Ўзбекистонда ўстирилган кечпишар узум нави ҳисобланади. Узум бошоғи силиндирсимон шаклда бўлиб доналари зичлиги ўртачадир. Мевалари думалоқ шаклда кўк қора шаклда, сирти қалин мум қатлами билан қоплангандир. Пўстлоғи қалин ва мустаҳкам бўлиб ранг берувчи моддаларга бойдир. Ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйдагича: оғирлиги 193г синчалари 7.2 уруғи 4.0 % пўстлоғи 3.9 % шарбат миқдори 84.9 % узумнинг бу нави сентябр ойининг бошларида етилиб унда 24-25 қанд. Ойнинг урталарида эса у 29-30 % ни ташкил этади. Узум ҳосилидан кучли ва десерт винолар тайёрланади.

Мускат Вэнгерский – ўртапишар винобоп узум нави бўлиб, узум бошоғи ўртача цилиндр конуссимон шаклда бўлиб, доналар зичлиги ўртачадир. Узум мевалари думалоқ шаклда яшил туслидир, пўстлоғи қалин бўлиб мустаҳкам эмасдир. Ушбу узум навли бошоғининг кўрсаткичлари қуйдагича Оғирлиги 150 г синчалари 2.6 уруғи 3.7% пўстлоғи 4.8 %. Ушбу узум нави пишганда унинг таркибида 24.4 % қанд ва 4.7 г\л кислота бўлади Узум ҳосилидан оқ рангли мускат тпидаги десерт вино тайёрланади.

Рислинг – Германиядан келтирилиб Ўрта Осиёда ўстирилган ўртапишар узум нави узум бошоғи кичкина бўлиб цилиндрсимон зич ҳолатдадир мевалари кичик-кичик думалоқ шаклда оч яшил тусли сирти қунғир доначалар бўлади. Ушбу узум навли бошоғининг кўрсаткичлари қуйдагича: синчалари 3.1% уруғи 5.9 % пўстлоғи 4.6 % шарбат миқдори мағзи билан биргаликда 86.4 %. Бу нав пишганда унинг таркибида 18-22 % қанд 10-11 г\л кислота бўлади узум ҳосилидан мусаллас тпидаги винолар ҳамда шампан виноси учун вино материал тайёрланади.

Рикостиле – Грузиядан келтирилган ўрта пишар винобоп узум нави узум бошоғи ўртача бўлиб силиндирсимон конуссимон ўртача зичликка эгадир.

Мевалар овалсимон тилларанг сариқ туслидир. Пўстлоғи юпка ва мустаҳкамдир. Ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйдагича: уруғи 1.9% пўстлоғи 2.7 % шарбат миқдори мағиз билан биргаликда 94. 5 %. сентябр ойининг бошида 20.5 % октабр ойининг бошида 28-30 % қанд бўлади. Узум ҳосилидан мусаллас тпидаги винолар шампан виноси учун вино материал ва десерт винолар тайёрланади.

Саперави- Грузиядан келтирилган ўрта пишар винобоп узум нави узум бошоғи ўртача конуссимон шаклдадир. Мевалари овалсимон қора туслидир пўстлоғи юпка қалинликка эгадир. Бу узумнинг тоннасидан 70-77 дкл шарбат олинади ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйдагича оғирлиги 168 г синчалари 2.9 % уруғи 3.3 % пўстлоғи 3.7 % август ойининг охирида 23.5 % сентябр ойининг бошида эса 25-26 % қанд бўлади. Узум ҳосилидан асосан десерт ва вино тайёрланади.

Сояки жайдари – ўртапишар винобоп узум нави. Узум бошоғи катта конуссимон шаклда бўлиб доналари зичдир. Узум навлари думалок оч яшил туслидир пўстлоғи юпқадир. Ушбу навли узум бошоғининг кўрсаткичлари қуйидагича: оғирлиги 750 г синчалари 2.6 % уруғи 2.0 % пўстлоғи 7.6 % шарбат микдори мағзи билан биргаликда 87.8 %. Узум ҳосилидан шампан виноси олиш учун вино материал ва мусаллас типигаги сояки деб номлангаб вино тайёрланади.

Таквери- Грузиядан келтирилган ўрта пишар винобоп узум нави . Узум бошоғи конуссимон катта катта шаклдадир. Мевалари ўртача думалок шаклдадир. Пўстлоғи қора тусли мустаҳкам ва дағал ҳолатдадир ушбу узум навининг кўрсаткичлари қуйидагича: оғирлиги 117г синчалари 3.6 % уруғи 2.5 %, пўстлоғи 6.5 %. Бу узумдан сентабр ойнинг бошларида 22.3 % қанд ва 6.5 гр\л кислота бўлади узум ҳосилидан мусаллас десерт ва винолар тайёрланади.

Оқ тойипи- жойдари кечпишар винобоп нав. Шакли конуссимон ўртача зичликда бўлади. Пўстлоғи каттиқ ва мустаҳкам шарбат микдори мағзи билан 92 % синчалари 3.0 % уруғи 2.3 %. Узум таркибидаги қанд микдори 18-20 % кислоталиги 5.5–3.7 гр \л ни ташкил қилади ҳосилдан кучли винолар тайёрланади

1. 2. Узумнинг шароббоп навларининг кимёвий таркиби.

Узумни бошоғини кимёвий тасвери жуда мураккаб у турли гуруҳдаги мураккаб гуруҳдаги органик моддалардан иборат. бу моддалар сувда ериган ҳолатда бўлади. Узум бошоғи ҳужайраларини ташкил этади. Узум бошоғининг таркибидаги кимёвий моддаларнинг миқдори. унинг структуравий таркибига кўра турлича бўлади.

Модда	Мағизли шарбат %	Пўстлоғи %	Уруғи %	Синчалари %
Сув	60-90	60-80	75-50	55-80
Шакар	10-30	-----	-----	-----
Клечатка	----	4	5	30
Вино кислотси	0. 4-1. 0	----	----	----
Олма кислотаси	0. 1-1. 5	----	----	0. 3
Ошловчи модда	-----	0. 5-4	2-8	1-5
Азотли модда	0. 2-0. 5	2	6	2
Минерал модда	0. 1-0. 6	2. 5	1-5	1-8
Ёғлар ва мойлар	----	0. 1	8-15	----

Узум таркибида C_1 B_1 B_2 витаминлари ва провитамин А мавжуд. Узум таркибидага ҳар бир ташкил етувчи кимёвий модда маълум бир технологик ёки озуқалик хусусиятига эга. Шакар моддаси асосан мағзи ва шарбати таркибида узум шарбати тўлиқ бижғитилганда спирт ва карбанат ангидрид гази ҳосил қилади ва спиртли бижғитишнинг оралиқ моддаларини ҳосил бўлишига сарфланади. Бундан ташқари қанд шакари таркибида турлича миқдорда шакар бўлган виноларни мазасини шакллантиради. Таркибида шакари мавжуд винолар тўла даражада бижғитилмайди. Клетчатка асосан узумнинг синчалари, уруғи пўстлоғи таркибида бўлиб уларнинг структурасини ташкил этади. Вино учун органик кислоталарнинг аҳамияти каттадир. Олма ва вино кислоталарнинг миқдори ва ўзаро нисбати узумнинг етилиши даражисини ва уни бирламчи ишлашини белгилайди. Пишиб етилмаган узум таркибида узум таркибида олма кислотасинг миқдори кўп бўлиб винога нордон таъм ҳосил қилади. Узумни пишиб етилиш даврида вино кислотасинг миқдори ортиб боради ва у винога юмшоқ таъмни ҳосил қилади. Вино кислотаси ва унинг тузлари винони сақлаш ва совитиш вақтида сиғимларнинг тубига чўкади ва ажратиб олинади. Вино кислотаси ва унинг тузлари қандолатчиликда тўқимачиликда, радио электроникада медитсинада ва аналитик кимёда кенг равишда қўлланилади.

Ошловчи ва азотли моддалар асосан синча пўстлоқ ва уруғда тўпланга бўлиб узумни қайта ишлаш жараёнида бунди этиборга олиш зарур. Мусаллас типдаги шампан винолари тайёрлашда бундай моддалар бўлмаслиги керак шу сабабли бундай винолар тайёрлашда шарбатни тезда ажратиб уни синча пўстлоғи ва уруғи билан биргаликда кўп сақлашга йўл қўйилмайди. Кучли ва модера типдаги винолар тайёрлаш учун эса шарбатга бу моддалар ўтишини зарур. Шу сабабли бундай винолар тайёрлашда шарбат синча пўстлоғ ва уруғи билан биргаликда сақланиб баъзи ҳолатларда қиздиралади, ёки шундай ҳолатда бижғитилади. Узум таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори турлича бўлиб илмий таъсирларга ва узумнинг пишиб етилиш даражасига боғлиқ.

Минерал моддаларнинг мавжудлиги ачитқиларнинг ривожланиши учун ва овқатланиши учун муҳим бўлиб улар ферментлар таркибида бўлиб модда алмашилиш жараёнида иштирок этадилар, айниқса узумнинг таркибида минерал моддалардан Бор, Фтор ва Молибден сингари бирикмалар бўлиши узумнинг ва винонинг аҳамиятини оширади. Узум шарбати таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори ўртача қуйидагича қийматни ташкил этади.

Минерал моддалар.	
Макро элементлар.	Микро элементлар.
Калий-400-1800.	Марганец-1-3.
Калций-50-250.	Бор-1-5.
Магний-40-200.	Рубидий-0,3-4.

Фосфор-100-1300.	Фтор-0,1-0,5.
Натрий-20-200.	Ёд-0,1-0,5.
Темир-1-20.	Молибден-0,01.

Микро элементлардан миқдори белгилангандан ортиқча миқдорда бўлиши санитария ва гигиена жихатдан чекланган.

1. 3. Вино маҳсулотларининг инсон организми учун аҳамияти.

Вино маҳсулотларига узум резавор ва бошқа ҳўл мевалардан тайёрланган винолар коньяклар шампан виноси, калводос ва кам спиртли винолар киради. Бу маҳсулотлар узум ёки резавор меваларнинг шарбатларини спиртли бижғитиш усулида турли технологик жараёнлар орқали олинади. Бижғиган шарбат вино материал деб айтилади. Вино материал махсус технологик жараёнлардан сўнг маълум типдаги ёки винога айланади. Қадимда шарқ халқлари вино тайёрлашган вино ва уни шароб май мусаллас деб юритишган ва истемол қилишган. Винолар озиқ овқат маҳсулотлари туркумига киради. Лекин овқат тариқасида эмасдир. Вино таркибида этил спирт борлиги сабабли у наркотик тасир этиш хусусиятига эга. Шу сабабли вино овқат тариқасида истемол қилинмайди вино мазали ичимлик бўлиб у турли озиқ–овқат маҳсулотлари гушт, балиқ мева сабзавот пишлоқ қандолат маҳсулотлар ва бошқаларга қушимча сифатида истемол қилинади. Бошқа мазали маҳсулотлар сингари вино ҳам кам миқдорда овқат билан биргаликда истемол қилинади. Вино ҳақида буюк олим Гиппократ шундей деган еди. Вино инсон учун ажойиб тарзда мослаб ишлаб чиқарилган ичимликдир у соғлом кишига ҳам беморга ҳам ўз вақтида тегишли миқдорда берилади. Вино тула манода энг шифобахш унлаш хусусиятига эга булган маҳсулотдир. Франсуз олими Луи Пастер вино ҳақида шундай деган эди. У вино тўла маънода энг шифобахш эмлаш хусусиятига эга бўлган ичимликдир.

1. 4. Виноларнинг гуруҳланиши.

Узумдан тайёрланган винолар узумнинг навини, винонинг рангини ишлаб чиқариш жараёнини таркибидаги канд ва спирт миқдорини СО₂ газини борлигини ва унинг қандай даврда ишланганлигини ҳисобга олиб гуруҳланади. Хом ашёнинг турли белгиларига асосан винолар турли навли узумдан тайёрланган навли ва бир нечта узум навларидан тайёрланган таркиби разрядли қилиб чиқарилади. Ранги жиҳатидан оқ, пушти ва қизил бўлади. Оқ тусли узум винолари оч рангли узум навлари шарбатинин бижғитиш йўли билан тайёрланади. Қизил винолар қизил рангли узум навлари шарбатини пўсти ва уруғлари билан биргаликда биржғитиш йўли билан олинади. Бижғитиш вақтида пўстлоқдаги бўёвчи ва ошловчи моддалар шарбатга ўтади шунинг учун бу виноларнинг ранги қизил тами ўзига хос шарбати ёпишқоқ бўлади бўлади.

Пушти ранг винолар оқ ва қизил тусли тусли узумдан тайёрланади, ёки қизил оқ тусли виноларни аралаштириб тайёрланади. Сифат белгилар ва сақланиш муддатига асосан узум винолари оддий, сақланган оддий, маркали ва коллексион бўлади. Оддий винолар узоқ муддат асосан узум винолари қайта ишлангандан сўнг 3 ойдан кейин истемолга чиқарилади. Сақланган оддий винолар бир йилдан ортиқ муддатда сақланади. Маркали винолар муайян узум навларидан олинган юқори сифатли винолар ҳисобланади. Бу винолар қанчалик муддатда сақланганлигидан қаттиқ назар унинг бошланғич ҳусиятларини ўзгартирмасдан туради. Сақлаш муддати ҳосил олингандан йилда кейинги 1-январдан бошлаб камида 1.5 йилни ташкил қилади. Коллексион винолар камида 6 йил сақланади. Улар жуда юқори сифатли маркали винолардир. Ёғоч бочкаларида сақлангандан сўнг улар қушимча тарзда бутилкаларида яна 3 йил муддатда сақланади. Таркибида спирт ва қанд миқдорига кўра винолари қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

Ичимлик Шаробларининг гуруҳланиши

Шароб турлари	Спирт, % ҳажм ҳисобида	Шакар, г/100 мл
Газсиз Шароблар		
Мусалласлар:		
соф	9-14	0,3 гача
<i>ярим соф</i>	9-12	1-2,5
<i>ярим ширин</i>	9-12	3-8
Кучли Шароблар:		
<i>кучли</i>	17-20	1-14
Дессерт Шароблар:		
<i>сал ширин</i>	14-16	5-12
<i>ширин Шароблар</i>	15-17	14-20
<i>ликер</i>	12-17	21-35
Хушбуй Шароблар	16-18	6-16
Таркибида карбонат ангидрид гази мавжуд Шароблар		
Ўзбекистон шампани:		
<i>брют</i>	10,5-12,5	0,3 гача
<i>соф</i>	10,5-12,5	0,8
<i>ярим соф</i>	10,5-12,5	5,0
<i>ширин</i>	10,5-12,5	8,0
Ўйноқи Шароблар:		
<i>қизил</i>	11-13,5	7-8
<i>пушти</i>	10,5-12,5	6-7
<i>мускат</i>	10,5-12,5	9-12
Вижиллама Шароб	9-12	3-8

Мусаллас винолари узум шарбатини спирт қўшмасдан бижғитиш натижасида олинади. Уларнинг таркибида спирт 14% гача шакар миқдори 0.3-8% гача мазаси ёқимли таъми нордон ва чанқов босди ичимлик ҳисобланади. Кучли винолар узум шарбатини тўла равишда бижғитмасдан ҳосил қилинади, вино таркибидаги қанднинг маълум миқдорини сақлаб қолиш учун бижғитиш даврида спирт қўшилади. Бу ширинлиги ўртача даражада таъми ўзига ҳос карамел мазаси келиб туради меваси хушбўй бўлади. Десерт винолари таркибида шакар миқдори кўп бўлиб бундай винолар таркибида шакар миқдори кўп бўлиб бундай винолар таркибида шакар миқдори кўп бўлган узуб олмасдан бошоғининг ўзида қуритилган узум навларидан тайёрланади. Хушбўй виноларни вермутлар деб аталади. Шампан виноси мусаллас типидagi виноларга шакар қўшиб ёпиқ идишларда шакарни бижғитиб тайёрланади. Айрим винолар келиб чиққан жой номи билан номланади токай виноси Венгриянинг Токай шаҳри модера виноси Португалиядан модера ороли Портвен виноси Португалиянинг Порто шаҳри Марсел виноси Италиянинг Морсел шаҳри Малага виноси Испанияга яратилган. Кагор виноси Франциянинг кагор шаҳридан келиб чиққан.

II. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ.

2.1. Ярим тайёр вино маҳсулотлари тайёрлаш технологияси.

Шампан виноси ярим тайёр маҳсулоти ўзига хос хусусиятлари билан юксак қадрланади. У бактерисидлик ва диетик хусусиятга эга кислоталиги ва рН қиймати бўйича ошқозон ширасига яқин бўлганлиги учун у овқат ҳазм бўлишида иштирок этади. Таркибидаги минерал моддалар ва кислоталар танадаги кисалота-ишқор мувозанатини нормаллаштиради иштирок этади. Шу билан бирга бу турдаги виноларни тайёрлаш кўп меҳнат маҳорат талаб этади. Улар тезда оксидланиб ва микроорганизмлар таъсирида бузилади, шу сабабдан ҳам винонинг ҳолати назоратда тутиб турилиши лозим. Шампан виноси ярим тайёр маҳсулоти ўзининг кимёвий таркиби органолептик сифат кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш технологиясига кўра ички оқ ва мускат турларига бўлинади. Қуйида жадвал оқ ва мускат турларидаги типик оқ ва мускат шампан виноси ярим тайёр маҳсулотларини тайёрлашнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган

Кўрсаткич	Вино тури оқ	Вино тури мускат
Спирт ҳажми %	10-12	16-0.5
Титр кислоталиги г\л	5-7	5-7
Келтирилган экстракт г\л	7	22-24
Қолдиқ экстракт г\л	18-20	25-30
Фенол моддалари г\л	11-13	20-25
Вино ранги	Оқ яшилсимон	Олтин ранг
Учувчан кислоталиги г\л дан кўп эмас	0.66	0.66
Ҳиди	Гул ҳиди	Мушки амбар ҳиди

Шампан виноси ярим тайёр маҳсулот олишда узум шарбати таркибидаги қанднинг миқдори 18-20 ва кислоталиги 7-6 г\л бўлганда узум узилади. Бунда узум шарбати таркибидаги қанд тулалигича бижғитилади, спирт қушилмайди. Мускат шампани учун ярим тайёр вино маҳсулоти тайёрлаганда фақат мускат узумдан фойдаланадилар. Узумнинг қанддорлиги 20-22% бўлиши керак. бижғиш жараёнини назорат қиладилар Мухитда 18-19% қанд қолганда юқори сифатли “Экстра” спиртидан қуйиб мезга қувватини 16.5-17 % гача кутарилади. Сўнгра мезгани ўзи оқар(стекатель) ускунага юбориш шампан виноси учун ўзи оқар шарбатини ажратиб оладилар. Шампан виноси ярим тайёр маҳсулоти тайёрлашда узумни қайта ишлаш юмшоқ шароитда яни юмшоқ шароитда яни узум майдаланишида ва ундан шарбатни ажратишда имконият даражасида ҳам механик куч таъсир эттирилади, олинган шарбат тезда пўстлоғи ва уруғидан ажратилади шарбатни оксидланишини камайтириш мақсадида олинган шарбат имконият даражасида ҳаво билан кам туййиниши керак.

2. 2 Шампанлаштириш усули технологияси.

Шампанлаш усули энг қадимий усул бўлиб умуман шампанлаштириш айнан шу усулга асослангандир. Шишада хўраки вино уч йил давомида шампанлаштирилади. Шу давр ичида шампан виноси ҳосил бўлади етилади ва шампан виноси сифатида шаклланади. Бижғиш натижасида ҳосил булган карбонат ангидрид ичида 5 атмосфра босим ҳосил қилади. Шишада шампанлаштиришни асосий жараёнлари қуйидагича хўраки винони қабул қилиб олиш винони ассамбляж қилиш, винони эгализатсия қилиш ва бир юла экспедитсия ликери ёрдамида шампан виносини кондитсиялаш, шампан виносининг шишасини безаш, ўраш ва яшиқларга солиш.

Шампанлаш технологияси.

	Олиб бориш шарт шароити.	Қўшимча маълумот.
Тиражли аралашма тайёрлаш	Аралашма таркиби: Қайта ишланган қуйилувчан шампан ярим тайёр вино маҳсулотига ликер қанддорлиги 50-60 % тоза ачитқи замбуруғининг 10 % спиртли еритмасини балиқ клейининг 2% ли еритмаси 1 г\л гача лимон кислотасидан қўшишга руҳсат етилади.	Ликерм тиражли аралашмага қанд миқдори 22г\л ҳисобидан берилади. Ачитқи замбуруғ инокуляти 1млда 1млн ачитқи хужайраси ҳисобидан берилади Балиқ клей тиқинда берилади. Чукма структурасини яхшилаш учун клей урнига бентонитнинг 20 % ли сувли суспензиясидан 2г гача киритилади.
Шиша идишга қуйиш оғзини ёпиш ва штабелга жойлаштириш.	Қуйиш узлуксиз аралаштиришда тиражли аралашмада 12-18 С харажатда олиб борилади.	Шиша идишга тиражли аралашма шиша оғзининг Венчикнинг юқори даражасидан 7-1 даражада қуйилади. Биринчи икки тиқин тури скобалар билан ёпилади.

Иккиламчи бижғиш ва уч йил муддатга сақлаш.	Бижғиш 10-12 С хароратда олиб борилади. Шиша идишларни штабелга горизонтал ҳолатда жойлаштирилади тираждан сунгги сақлаш 10-15 С хароратда 3йил муддатда давом этади. Сақлаш жараёнида 4 марта чайқатиб туриб аралаштириб олиб борилади улардан иккитаси биринчи йилда ва биттадан кейинги йилларда охириги чайқатиб туриб аралаштириш режимида прюптрда шиша идиш қурилмаси билан бирга олиб борилади.	Шампан виносини босимига чидамсиз шиша идишлар чайқатиб туриб аралаштиргандан сунг сетка маскаси идиш деворидан ажралиб кэтади. Бунда совуқлик билан ишлов берилади винони тулик музлатишга юл қуйилмайди ва винони кучли чайқатилади.
40-бет Ремюаж чукмани тиқинида тудалани	Харорат 19—15 С дан юқори эмас.	Олдинги ремюаж шиша идишлар шишани оғзи пастга қараб вертикал ўрнатилади дегортажгача.
Дегортаж чукманинг юқотилиши экспедитсион ликерни	Винони музлатиш юли билан олиб борилади шиша оғзида муз ҳосил булгунча.	Ликёр совитилганда дегортараждан кейин шиша идишлар юқоридаги чэгарасидан 2-1 см пастроққача тулдирилади оғзини ураш учун каркали ёки полителинли тиқинлардан фойдаланилади.
Назорат қилиш.	10 кеча кундузда 17-25 С харорат билан ўрнатилади.	
Бракераф ташки безак ва қадоқлаш	Шампан виноси ва сифат назорати ишлаб чиқариш инструкцияси талабига мувофиқ олиб борилади.	

Узлуксиз тизимда кетма–кет бирлаштирилган аппаратлар систэмасида шампанлаштириш тизими ёки бир ҳажмли куп камерали шампанлаштиришнинг технологик схэмаси.

Жараён	Олиб бориш шарт шароити.	Қўшимча ма'лумот.
Қурил-мани тайёрлаш.	Коммуникатсия тизими қурилмаларни ювиш калсинирланган соданинг 1.5 -2 % еритмаси, иссиқ ва совуқ сув билан иссиқ ва совуқ сув олиб борилади. Уларнинг герметиклиги текширтириш тегишли равишда идишлардан ва қурилмалардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари асосида олиб борилади қурилмани стеризатсиялаш сульфат кислотасининг 0.2 % еритмаси ёрдамида олиб борилади.	Ички ҳимоя билан қопланган аппаратларнинг сифатини текшириш.
Бижғитиладиган аралашмани тайёрлаш.	Деарироваланган купажни иссиқлик билан ишлов бериш 60-50 ҳароратда 5-24С давомида олиб борилади. Купажни совутишдан олдин бижғиш аралашмаси таркибидаги қанд миқдори ҳисобидан Зербмак ликёри солинади кейин аралашма 10-15 С гача совутилади, Филтрланади ва шампанлаштириш учун бижғич батареяларнинг биринчи аппаратиға ёки бир хажмли кўп камерали қурилмага юборилади шампанлаштиришга юборишдан олдин аралашмага ачитқили замбуруғ иннокулятсия солинади.	Купажни деарозияси узлуксиз тизимда биологик усулда тик қурилмаларда олиб борилади. Улар қурилма баландлигининг 75-80 % тулдирилади. Узлуксиз тизимда ачитқи мл винода 2-3 млн ачитқи ҳужайраси миқдори ҳисобидан қушилади. Кетма-кет бирлаштирилган горизонтал узернали сиисстемада ачитқи замбуруғи иннокулятиниузлукли равишта киритишдакупажни кислородсизлантириш жараёни олиб борилишиға рухсат берилади

Кетма-кет бирлаштирилган аппаратлар системаси ёки бир хажмли қўп камерали аппарат тизимида винони шампанлаштириш	Шампанлаштириш тизимида бошланғич юклаш биогшенатордан бошланади. Кейин бижғиш аппаратларига тўлдирилади. Бижғитиладиган аралашмани юклашда қанд миқдори 22 гр/л ва ачитқи замбуруғи иннокуляти 1мл винода 2-3 млн хужайра борлиги ҳисобга олинади. Вино талаб қилинган кондитсиягача бижғитилганидан кейин охирги бижғиш аппаратида, шунингдек бижғитишдан олдинги биринчи бижғиш жараёнида қурилмани ишга туширилади. Бунинг учун биринчи аппаратга бижғитиладиган аралашма коммуникатсияси ва ачитқи замбуруғи иннокуляти биогенераторида ва бижғиш аппаратларида газ камералари иши тугатилади. Босим 500 кПа гача кўтарилади. Қабул қилиш аппаратларида босимга қарши яратилади ва тизим ишга тушурилади . Биогенератордан чиқаётган вино -3-4 градусгача совутилади ва шу ҳароратда термосурезерарда сақланади. Кейин изотермик шароитда ишланадиган қабул қилиш аппаратларига юборилади. Аппаратда сақлаш вақти 6 с ва ундан кам эмас.	Винони шампанлаштириш учун мўлжалланган қурилма 7-8 та шампанлаштиришга мўлжалланган аппаратлардан шампанлаштирилган винони совутиш учун мўлжалланган иссиқлик алмаштириш аппаратида совутилган шампанлаштаралган винони сақлаш учун термос резервуарлардан филтр ва қабул қилиш аппаратларидан иборат. Биогенатор ва термос резервуад сиғими винони ишлов бериш билан қабул қилинади. Шампанлаштирилган вино биогенаторда ачитқи ҳаёт фаолияти маҳсулотлари билан бойийди. Тизимнинг иш унумдорлиги аппаратлар миқдори ва уларнинг сиғими ва айрим коэффисийентларига боғлиқ. Винони шампанлаштириш жараёни минимал муддатига мувофиқ келадиган айрим коэффисийентини 0.00945 таъминлашда тизимни иш унумдорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади. $B_0 = B_1 \times K$ Бу ерда B_0 шампанлаштиришга 1 секунд ичида келиб тушадиган аралашма ва ачитқи замбуруғи иннокуляти миқдори дал. B_1 – аппаратлар ва биогенаторнинг умумий сиғими. K – оқим коэффиценти 0.00245
---	--	--

Шиша идишларга шампан виносини қуйиш	Қуйиш машинасида 200 кпа доимий босимда ва минус 1С хароратда олиб борилади. Қуйиш даражаси венчикнинг юқори чэгарасидан 8-1 см гача. Каркали ёки полетиленли тигрулар билан оғзи ёпилади.	Қабул қилиш аппартидан қуйишгача юбориладиган шампан виноси филтрланади шиша идишларни дастлабки совутиш тавсия этилади.
Назорат сақлаш ёки винони иссиқлик билан ишлов бериш.	5 кеча кундузда 17-25 С сақланади. Иссиқлик билан ишлов бериш 30- 40 минут давомида 40-50 градус хароратда олиб борилади. Кейин 20-25 градус хароратгача совутилади. Шампан виносини ёпиш сифатини лойқа бўлмаслигини ва бегона жиснлар бўлмаслигини текшириш керак.	Иссиқлик билан ишлов бериш шиша пастеризатсияда олиб борилади.
Пардозлаш қадоқлаш ва етказиб бериш.	ГОСТ 13918-68 да талабига мувофиқ амалга оширилади	Шампан виносининг хар қайси партияси кимёвий микробиологик ва органолептик текширлади.

Вино махсулотларини шампанлаштиришда ачитқи замбуруғларининг ўта юқори консентратсиясида ўтказиш технологик схемаси

Жараён	Олиб бориш шарти шароити	Қўшимча маълумот
Бижғитиладиган аралашмани тайёрлаш	Бирлаштирилган аппаратларда кетма-кет системада шампанлаштириш технологиясидай олиб борилади. Кейин аралашма 7-9 градусгача совутилади, филтрланади. Аралашмани шампанлаштиришга юбориш насос мейорлагичлар билан амалга оширилади. Улар аралашмани аппаратнинг юқори қисмидан киритилади. Бир вақтда	Зарур холда талаб қилинадиган қанднинг бижғишини таъминлаш учун қўшимча микдорда ачитқи замбуруғи иннокуляти

	йэтиштирилган ачитқи замбуғи қўшилади.	киритилади
Қуйиш назоратни сақлаш ёки иссиқлик билан ишлов бериш ўраш, қадоқлаш, етқазиб бериш.	Узлуксиз тизимда винони шампанлаштириш каби олиб борилади.	Қуйишга юборилган шампан виноси зарур холда филтрланади.

